

## НЕОЛОГИЗМЛАР (ЯНГИ ПАЙДО БЎЛГАН СЎЗЛАР) МАВЗУСИНИ ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЎРГАТИШ (ОНА ТИЛИ, 5-СИНФ МИСОЛИДА)

Диёрбек Рўзмамат ўғли Турғунпўлатов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси  
[turgunpolatovdiyorbek2002@gmail.com](mailto:turgunpolatovdiyorbek2002@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Она тили дарсларида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиб, неологизмлар (янги пайдо бўлган) мавзусини ўргатиш, янги сўзлар ва уларнинг келиб келиши сабабларини янгича усуллар орқали ўтиш ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** инновацион технологиялар, неологизм, интернет, интернет атамалари, четдан кириб келган сўзлар, инглиз тили, янги сўзларнинг оммалашуви.

### КИРИШ

Таълимда муваффиқиятга эришиш мамлакатни ривожлантиришда асосий омил ҳисобланади, чинки бу жараён юқори малакали, кенг билим ва тафаккурга эга мутахассисларни талаб этади. Инновациялар замирида эса етук тафаккур ва билим ётади. Шунинг билан англаган ҳолда она тили дарсларини инновацион технологияларни қўллаб ўргатиш, дарс жараёнини самарадорлигини оширади.

Бугунги кун шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда бошқа соҳалар каби илм-фан соҳаси ҳам ривожланишларни, бидимларни янгича қарашлар билан ўрганишни талаб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир фанга доир янгича методологик принципларни, янгича таълим технологияларини кашф этиш, ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда мукамал ишланган дастур, такомиллаштирилган иш режа ва педагогик маҳорат асосида ўтказиладиган дарсларда таълим жараёни ва янги мазмун, шаклда бўлиши учун ўқувчи билим даражаси, идроки, фикрлаш қобилияти, қизиқиши ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги педагогик технологияларни жорий этиш ва шу асосида комил инсонни тарбиялаш она тили ва адабиёт фанини ўқитишнинг энг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Педагогик технология ўқувчиларини яратишга асосланган бўлиб,



ўқувчиларни тезкорликка, ўқув, ўқув – ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш имконини бериш лозим. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда она тили ва адабиёт фанини ўқитишда илғор педагогик усуллардан фойдаланиш давр талаби ҳисобланади.

Илғор педагогик технологияларга асосланган замонавий дарс турлари ва шакллари кўллаш, ўқувчининг таълим жараёнидаги ўрни, унга янги муносабатни таъминлаш мазкур жараёни моҳирлик ва идрок билан бошқариш демакдир.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Она тили фанининг айрим мавзулари ўқитувчидан, шунингдек ўқувчидан ҳам алоҳида эътибор ва диққатни талаб этади. Муайян мавзу доирасида ўрганилаётган муаммонинг энг муҳим қирраси, мазмуни ўрнига унинг шаклий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилади ва натижада мавзу ўқувчи томонидан тўлақонли ўзлаштирилмайди.

Хусусан, она тили дарсларида неологизм - янги пайдо бўлган сўзлар мавзусини ўргатиш жараёнида аксарият худди шу ҳолат кўзга ташланади. Мавзунинг ўргатишда, ўқитишда ўқитувчи томонидан кўпинча бир томонлама маълумот берилиши натижасида ўқувчилар мавзунинг моҳиятини англаб етмайдилар. Оқибатда уларнинг билимларида бўшлиқлар юзага келади. Масалан неологизм - янги пайдо бўлган сўзлар ҳақида гапирилганда, асосан, уларнинг қайси тилдан ўзлашгани, қандай маъно англатиши эътибордан четда қолдирилади. Аслида неологизм тушунчасининг моҳияти унинг янги сўз сифатида қаралишида эмас, балки қайси тилдан ўзлашгани, қандай тартибда истеъмолга кириб келгани билан изоҳланади. Она тилимиз жуда сўзга бой бўлиб, унинг каттагина қатламини ўзлашма сўзлар ташкил қилади. Бу сўзлар араб, форс-тожик, рус, инглиз тилларидан ўзлашган.

Қуйида неологизм - янги пайдо бўлган сўзларнинг ана шу жиҳатини ҳисобга олган ҳолда ўқувчилар ўзлаштиришидаги бўшлиқларни бартараф этишга доир баъзи иш тажрибаларимиз билан ўртоқлашамиз. Неологизм - янги пайдо бўлган сўзлар мавзуси 5-синф дарслигида берилган. Мазкур мавзунинг моҳияти англаб етилса, аслида унчалик ўзлаштирилиши қийинчилик туғдирмайди. Аммо айрим ўқитувчиларнинг ўзлари неологизмни англамасдан, қайси тилдан, қай тартибда ўзлашганига эътибор қаратмасдан, шунчаки янги сўз сифатида ўргатилиши мавзунинг моҳияти ўқувчилар томонидан тушунилишини

қийинлаштиради. Бу мавзуни ўқитишда ўқитувчидан моҳиятни англаш, педагогик маҳорат, чиройли нутқ, яъни ўқувчилар диққатини жамлаган ҳолда содда тил билан тушунтиш талаб этилади. Мавзуни мультимедиали ўқув материаллари ёрдамида тушунтириш ўқувчига замонавий коммуникация воситалари ёрдамида етказиш юқори самара беради. Бунда ўқувчилар фақат мавзуга оид билимларни ўзлаштириб қолмасдан, балки ўзининг ақлий ва ижодий салоҳиятини ҳам замонавий ҳаёт фаолиятига мувофиқ тарзфа ривожлантириб боради.

Замонавий ўқитиш услублари асосида неологизм мавзусини тушунтириш юқори самара беради деб ўйлайман, чунки бундай ўқитиш услублари ақлий ва ижодий салоҳиятини шакллантирувчи фаол методлар бўлиб, ўқувчиларнинг мавзуни шунчаки пассив тарзда қабул қилишига йўл қўймайди. Қизиқтириш орқали ўзаро ҳамкорликда ишлаш, биргаликда ҳаракат қилишга ўргатади, фаолликка йўналтиради. Бундай замонавий методларда қисқа вақт ичида ўзлаштириш кўрсаткичларини оширувчи ўқувчиларнинг тўлақонли иштирокини таъминловчи турли технологиялардан фойдаланилади.

5-синф дарслигида берилган янги пайдо бўлган сўзлар мавзуси топшириқ билан бошланган. Бу топшириқни бажаришда қуйидагиларни тавсия этаман: аввало, топшириқ ўқувчиларга оғзаки бажартирилиши, сўнг проектор воситасида тасвир орқали берилиши мақсадга мувофиқ. Экранга неологизмларга оид сўзлар мусиқа ёрдамида навбати билан чиқарилади. Янги сўзлар учун алоҳида куй, уларнинг маъноси учун ҳам алоҳида куй танланади. Бу ноодатий усул машғулот жараёни ва мавзуга ўқувчиларнинг диққатини тортишда қўл келади. Сўнг янги сўзлар маъноси билан бирга экранга чиқарилади ва янги сўз, унинг маъноси ўқувчиларга расмлар асосида тушунтирилиб, бугунги кинда янгилик маъносини сақлаб келаётган сўзлар неологизмлар эканлиги ўқувчиларга айтиб ўтилади. Масалан, *чат* сўзи инглизча *chatter* – “валдирамоқ”, “вайсамоқ”, “алжирамоқ” сўзларидан олинганлиги расм орқали кўрсатилади. Бундай мисоллардан бир нечтаси расмлар орқали кўрсатилиб, янги сўз ва унинг маъноси изоҳланади. Мавзу машқлар билан давом эттирилади. Дарсликдаги 295-машқ “Зукколар баҳси” тарзида ташкил этилади. Синф икки гуруҳга бўлиниб, машқдаги олинма сўзларни аниқлайдилар ва маъносини изоҳлаб бериши шаклида бажартирилади. Машқларни бажаришда “шахмат” усулидан фойдаланиш ҳам қўл келади. Бу усулда оқ катакларга янги сўзлар, қора катакларга уларнинг маъноси ёзилади. Шунингдек, дарс

машғулотининг қизиқарли ўтиши ва жонли ўтиши, ўқувчилар нутқини ривожлантириш учун “Ким зукко?” ва “Ким топқир?” ўйинини ўтказиш ҳам яхши самара беради. Бунда ўқувчиларни икки гуруҳга бўлиб, муайян вақт ичида қайси гуруҳ кўп интернетга оид янги пайдо бўлган сўзларни топиши топшириқ сифатида берилади. Дарс сўнгида эса ўқувчилар мавзуни қай даражада ўзлаштиргани текширилиб, уйга вазифа берилади. Мавзу ўқувчилар иштирокини таъминловчи турли технологиялардан фойдаланиб ўтилади.

Ўзбек тилига араб, форс-тожик, рус, инглиз, немис тилларидан жуда кўп сўзлар ўзлашганлиги ҳаммамизга маълум. Бу сўзларни тилимизда бошқа тил атамаларига муқоболи бўлмагани сабабли уларни шундайлигича ёки айрим ўзгаришлар билан тилимизга қабул қиламиз. Бу тиллар орасида айниқса инглиз тили етакчи ўринни эгаллайди. Инглиз тилидан ўзлашган сўзларга, терминларга ҳаётимизнинг деярли ҳар жабҳасида дуч келамиз. Иқтисодий, маданий, маърифий, спорт соҳаси, интернетга тегишли кўплаб атамалар инглиз тилидан ўтган. Оммавий ахборат воситалари, телефон, интернет янги сўзларни тарғиб қилишда етакчи мавқега эгадир. Бундай воситалар орқали кириб келган янги сўзлар халққа тез етиб боради ва истеъмолга киритилади. Айниқса, тилимизда компьютер, интернетга оид атамалар: аккаунт, блогер, аватарка, файл, чат, мем, ҳештег, веб-саҳифа, дайжест, сайт, телеграм, инстаграм, твиттер (Twitter), фейсбук (Facebook) каби сўзлар борки, бу сўзлар маъносини билмасдан ишлатамиз. Тилимизга бу сўзлар шу қадар ўзлашганки, улардан ўз сўз ясовчи қўшимчаларимиз орқали янги атамалар ҳам ҳосил қила бошладик. Масалан, компьютер сўзига -чи қўшимчасини қўшиб, компьютерчи янги шахс отини ҳосил қилдик. Ҳозирда бу сўз халқимиз томонидан кенг истеъмолда.

## ХУЛОСА

Неологизмларни ўрганар эканмиз, тилимиз нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини кўрамиз. Унинг бой қатламидаги ўзлашган сўзларнинг бизга мавҳум жиҳатлари кўп. Шундай экан ўз тилимизни сақлаб қолиш, уни узоқ вақт халқимиз учун хизмат қилишини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятга тилимизнинг имкониятларини кўрсатиш уни халқаро миқёсга олиб чиқиш учун биз бўлажак она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари ўзимизнинг зиммамиздаги келажак авлод олдидаги масъулиятли вазифамизни чуқур англаган ҳолда тилимиздаги барча ўзлашма сўзларнинг этимологияси ҳақидаги тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига сингдириб бормоғимиз лозим. Зеро бугунги ўқувчилар эртанги кун



пойдеворларидир. Хулоса қилиб айтганда она тили фанида неологизмларни, умуман фанни ўқитишда мавзу моҳиятини ўқувчиларга етказиш катта аҳамиятга эга. Замонга ҳамнафас тарзда кириб келаётган ва илм-фан ҳамда техниканинг илғор тенденцияларини ўзида акс эттираётган, уларнинг янада тараққий этиши, жамият ҳаётига янада кўпроқ ҳисса қўшишини таъминлаётган инновацион ғояларни она тили дарсларида қўллаш, ёш авлодни замонавий илғор тажрибалар асосида ўқитиш юқори даражадаги самарадорликни беради ва уларни баркамол шахс сифатида камол топтиради.

### REFERENCES

1. Она тили таълимида дидактик ўйинлардан фойдаланиш. *Academic research in educational sciens.* 2022, №3 (5), 267-273.
2. Маҳмудов Н. ва бошқ. Она тили. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи - Тошкент: 2020, 124-125-б.
3. Низомова М. Дарсларда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш. “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 2020-йил, 6-сон, 14-б.
4. Абдуллаева О.О. Адабиёт дарсларини ташкил этишда интерфаол методлардан фойдаланиш. *Студенческий вестник*, 16 (161). Часть 7, 2021 г.
5. Эркабоева Н. Ўзбек тилидан маърузалар. Тошкент: 2020.
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

